

ACCOUNT MANAGER (ШАХСИЙ МЕНЕЖЕР) ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ УЧУН ШАРТНОМА № _____

_____ ш.

“ _____ ” _____ 202__ й.

_____ номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи, кейинги ўринларда “Мижоз” деб номланувчи _____ бир томондан ва “InFinBank” АЖ номидан _____ асосида ҳаракат қилувчи кейинги ўринларда “Банк” деб номланувчи _____ бошқа томондан ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Мижозга ACCOUNT MANAGER (ШАХСИЙ МЕНЕЖЕР) (кейинги ўринларда ACCOUNT MANAGER) хизматини кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, Мижоз эса уларни ушбу шартнома шартлари бўйича қабул қилиш ва хизмат ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартнома доирасида мижозга қуйидаги хизмат турларини кўрсатувчи ягона шахсий менежер (ACCOUNT MANAGER) хизмат кўрсатади:

Банк иш вақти давомида Мижозга сифатли банк хизматлари (депозитлар, пластик карталар ва ҳ.к.)ни олишда кўмаклашиш;

Зарур ҳолларда Мижоз офисига борган ҳолда депозитлар, ҳисобварақлар очиш, банк карталарини олиш, пул ўтказмаларини амалга ошириш ва нақд пул ечиб олишда Мижозга кўмаклашиш;

банкнинг мобил иловаси, банкоматлари ва бошқа банк сервисларидан фойдаланишда Мижозга кўмаклашиш;

янги банк маҳсулотлари бўйича Мижозга маълумот тақдим этиш;

Мижозни йирик пул купюраси билан таъминлаш (банк кассасида йирик пул купюраси мавжуд бўлган ҳолларда);

Банк операциялари, банк маҳсулотлари, банк хизматлари бўйича маслаҳат хизматини кўрсатиш;

банк хизматларини олиш учун зарур ҳужжатлари тўпламини йиғиш ва расмийлаштиришда мижозга ёрдам кўрсатиш;

шанба кунлари Тошкент вақти билан соат 14:00 гача Мижозга касса хизматларини кўрсатиш.

1.3. Мижознинг банк ҳисоб варағига банк хизматларини кўрсатиш мижоз ва банк ўртасида тузиладиган алоҳида шартнома асосида амалга оширилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Банк қуйидагиларга мажбур:

2.1.1. Ушбу Шартноманинг 1.2-бандда кўрсатилган масалалар бўйича Мижозга ACCOUNT MANAGER хизматларини кўрсатиш.

2.1.2. Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа материалларни таҳлил қилиш.

2.1.3. Ушбу шартномада назарда тутилган муддатларда ва лозим даражадаги сифат билан Мижознинг топшириқларини бажариш.

2.1.4. Мижозни қизиқтирган масалалар бўйича Мижозга керакли тавсиялар ва маълумотларни тақдим этиш.

2.2. Мижоз қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Банкка ўз зиммасига олган мажбуриятларини Томонлар келишиб олган муддатда бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш.

2.2.2. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ Банк хизматлари учун тўловни ўз вақтида амалга ошириш.

2.3. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Мижоздан ушбу Шартнома бўйича хизматларни сифатли кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, тушунтиришлар ва қўшимча маълумотларни олиш.

2.3.2. Мижознинг розилигисиз (акцептсиз равишда) унинг ҳисобварағидан ушбу шартнома бўйича хизмат ҳақи тўловини ечиб олиш.

2.4. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.4.1. Ушбу шартнома бўйича сифатли хизматларни олиш.

2.4.2. Ушбу шартнома бўйича хизматлар юзасидан оғзаки, ёзма, телефон орқали маълумотлар олиш.

3. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартномада назарда тутилган хизматларни кўрсатиш учун Мижоз ҳар ой Банкка ҚҚС билан _____ (_____) сум тўлайди.

3.2. Мижоз банкка ушбу шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган миқдорда хизматлар учун ҳар ойлик тўловни жорий ойнинг биринчи иш кунидан бошлаб унинг ҳисоб рақамидан акцептсиз равишда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Банк хизматлари ушбу шартноманинг 1.2-бандда кўрсатилган тегишли масала бўйича маслаҳат олиш учун Мижознинг мурожаат қилишига қараб кўрсатилади (телефон орқали, ёзма равишда, шахсан ва оғзаки).

4.2. Зарурат бўлганда, ҳужжатлар ва маълумотлар банкка ёзма равишда Мижоз томонидан шахсан ёки телефакс ёки электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилиши керак.

4.3. Банк хизматлар кўрсатиш учун Мижоздан олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаш мажбуриятини олади.

4.4. Ҳар ой, ҳисоб-китоб ойдан кейинги ойнинг ўнинчи (10) кунидан кечиктирмай, Банк Мижозга ҳисобварақ-фактура беради. Мижоз ҳисобварақ-фактурани олган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида уни тасдиқлайди. Банк томонидан мижозга ҳисобварақ-фактура берилган кундан бошлаб 10 календар кун ичида мижоз томонидан асослантирилган рад этиш бўлмаса, хизматлар, улар тасдиқланмаган тақдирда ҳам, қабул қилинган ҳисобланади.

4.5. Ушбу шартноманинг 4.4.-бандида кўрсатилган муддатда Мижоз томонидан тасдиқланган ёки рад этилмаган ҳисобварақ-фактура Банк томонидан Мижозга ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатилганлиги фактининг сўзсиз далили ҳисобланади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Хизматлар учун тўлов кечиктирилган тақдирда, Банк Мижоздан кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,04% миқдориди, лекин кечиктирилган сумманинг 50% ортик бўлмаган миқдорда пеня ундириш ҳуқуқига эга.

6. ФОРС - МАЖОР

6.1. Ҳеч бир Томон бошқа Томон олдида енгиб бўлмас куч, яъни, олдиндан кўриб ёки қутулиб бўлмайдиган, томонларнинг иродаси ва хоҳишларига зид равишда юзага келган фавқулодда ва вазиятнинг мазкур шароитида олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар таъсири натижасида ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

6.2. Ваколатли идора томонидан берилган ҳужжат енгиб бўлмас куч таъсирининг мавжудлиги ва давомийлигининг етарли даражада тасдиғи ҳисобланади.

- 6.3. Енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида ўз мажбуриятини бажармаётган Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар ва уларнинг Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсири ҳақида дарҳол хабардор қилиши шарт.
- 6.4. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари кетма-кет 3 (уч) ой давомида таъсир қилса, ушбу Шартнома Томонларидан бирининг бошқа Томонга ёзма хабарнома юбориши орқали бекор қилиниши мумкин.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Ушбу Шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ Томонлар ўртасида юзага келадиган барча низолар ёки келишмовчиликлар улар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинади.
- 7.2. Мазкур Шартнома ёки у муносабати билан келиб чиқиши мумкин бўлган барча низоларни томонлар музокаралар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиладилар. Агар томонлар келишувга эришмаса, улар ўртасидаги низо Банк ихтиёрига кўра:
ё Банк (агар шартнома Банк филиали билан тузилган бўлса, Банк филиали) жойлашган манзил бўйича судда;
ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги ҳакамлик судида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Ушбу Шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда тузилган ва уни иккала Томон имзолаган бўлса, кучга эга.
- 8.2. Томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган асосларга кўра Шартномани исталган вақтда муддатидан олдин бекор қилиш мумкин.
- 8.3. Ушбу Шартномани бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган Томон бошқа Томонга ушбу Шартномани бекор қилиш нияти тўғрисида ушбу Шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан камида 10 (ўн) кун олдин ёзма хабар юбориши керак.
- 8.4. Шартнома муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, томонлар шартномани бекор қилиш вақтида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Ушбу Шартнома ҳар икки томон имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва _____ гача амал қилади.
- 9.2. Ушбу Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир Томон учун бир нусхадан тузилган.

10. ТОМОНЛАР РЕКВИЗИТЛАРИ

МИЖОЗ

БАНК
